

**“G’alla-Alteg” АЖ акциядорларнинг навбатдаги 2021 молия йили якуни  
бўйича йиллик умумий йиғилиши 1-сонли баёниомаси**

**2022 йил 31 март**

**Тошкент шаҳри**

*Ўтказилиш жойи – Элбек кўчаси, 37 уй “G’alla-Alteg” АЖ мажлислар зали.  
Йиғилиш бошланиш вақти – 11.00*

Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши номидан Кузатув Кенгаши раиси Ш.Донаев сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини кўриш ва кворумни аниқлаб олиш зарурлигини айтди. Сўз ҳисоб комиссияси раиси О.А.Гафуровага берилди.

О.А.Гафурова 2022 йил 25 март ҳолатига ёпилган акциядорларнинг реестри бўйича навбатдаги умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 2 557 377 овозга эгаллик қилувчи 667 та акциядор киритилганлигини маълум қилди. Ҳисоб комиссияси натижаларига кўра, ушбу йиғилишга 1 704 703 дона овоз берувчи акцияларга эгаллик қилган 29 та акциядор қатнашаётганини, бу умумий жойлаштирилган акцияларнинг 66,66% ини ташкил қилганини ва йиғилишни очиш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда кворум етарлигини айтди.

Кворум мавжудлигини ҳисобга олиб, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очиш таклифи берилди ва овозга қўйилди.

Акциядорлар томонидан ушбу таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Акциядорлар томонидан қуйидаги 3 кишидан иборат умумий йиғилиш президиумини сайлаш таклифи берилди:

1. Кузатув Кенгаши раиси ва “Ўздонмахсулот” АК вакили Донаев Шероли Бурханович.
2. Жамият Бошқарув раиси Кадиров Абдуворис Абдубоситович
3. Корпоратив маслаҳатчи – Каримов Камол Сафоевич

Навбатдаги йиллик умумий йиғилишини олиб бориш учун Кузатув Кенгаши раиси Донаев Шероли Бурханович, умумий йиғилиш котибалигига акциядорлар томонидан Ақромова Лобар Худайбергановнанинг номзодини тасдиқлаш учун таклиф киритилди ва овозга қўйилди. Акциядорлар томонидан умумий йиғилиш раиси ва котибаси бир овоз билан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси – Ш.Б.Донаев

Йиғилиш котибаси - Л.Х.Ақромова

Кузатув Кенгаши томонидан **санок комиссиясига** қуйидаги номзодларни сайлаш таклифи берилди:

1. Гафурова Озода Акбаровна – етакчи иқтисодчи.
2. Юлдашева Даврия Равшановна- ҳисобчи.
3. Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна- ҳисобчи

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан санок комиссияси таркиби бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш раиси жамият Кузатув Кенгашининг 2022 йил 07 мартдаги йиғилиш қарори билан тасдиқланган қуйидаги акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини қуйидаги кун тартибини ўқиб эшиттирди:

1. Умумий йиғилиш ишчи органи таркибини сайлаш.

2. Санок комиссияси аъзолари сони ва таркибини сайлаш.
3. Умумий йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш.
4. Умумий йиғилиш иш регламентини тасдиқлаш.
5. Жамият Бошқарувининг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботини, ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан Тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан, ҳамда жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2021 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан мустақил ташкилотнинг хулосасини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2021 йил натижалари бўйича фойда тақсимоти, дивиденд миқдори ва тўлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида.
11. Жамият Кузатув Кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
12. АЖ Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини 1 йилга узайтириш тўғрисида.
13. Жамиятнинг тафтиш комиссиясини сайлаш.
14. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
15. 2022 йил учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
16. 2010 йилдан 2018 йилгача ҳисобланган жамият акциядорлари томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.
17. 2021 йил якуни бўйича Кузатув Кенгаши ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш.

Йиғилиш раиси кун тартиби билан йиғилганларни таништиргандан сўнг, ушбу йиғилишни қуйидагича регламент билан олиб боришни ўқиб эшиттирди;

Йиғилиш раиси биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи масалаларнинг ҳар бири бўйича 5 дақиқа, бешинчи масала бўйича 15 дақиқа, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи масалалар бўйича 10 дақиқа, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи масалалар бўйича 5 дақиқадан, ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи, ҳамда ўн олтинчи ва ўн еттинчи масалалар юзасидан 10 дақиқадан, кўшимча сўзга чиқувчилар учун 3 дақиқадан 5 дақиқাগача, ҳамда танаффус билан жами 2 соатда йиғилишни тугатиш белгиланганлигини билдириб, кун тартиби, шунингдек иш регламентини тасдиқлаш таклифини берди.

*(Иш регламенти илова қилинади. Илова №1).*

Бюллетенларда берилган йиғилиш кун тартиби, иш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш масалалари бўйича акциядорларга берилган бюллетенлар орқали овоз беришларини, шунингдек кун тартибидаги 14 масала

юзасидан конунчиликда белгиланган тартибга асосан кумулятив овоз беришлари хакида тушунтириб ўтди.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи масалалар акциядорлар томонидан очик овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги бешинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Жамият фаолиятига боғлиқ масалалар юзасидан, яъни *бешинчи масала* Жамият Бошқарувининг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботини, ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор В.Д.Смирновнинг ҳисоботи эшитилди. У 2021 йил давомида бизнес режа бўйича тегирмонда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси – 75 000 тн. амалда, жами 79119 тн. ун маҳсулоти ишлаб чиқарилганлигини, бу режани 105,5 %га бажарилганини, омухта-ем ишлаб чиқариш режа бўйича 31 800 тн. белгиланган бўлиб, амалда 34 680 тн. маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режага нисбатан 109,1% бажарилганлигини билдиради. Жамият 2021 йил натижалари бўйича 24 253 620 минг сўм соф фойда олди. Ўтган йили бу кўрсаткич 14 853 494 минг сўмни ташкил қилган эди. “Ўздонмаҳсулот” АКнинг 2019 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 19 июндаги 02-2149-сонли топшириги ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 19-сонли буйруғига, ҳамда жамият акциядорларининг 2020 йил 24 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорига асосан “G’alla-Alteg” АЖнинг Тошкент шаҳар дон қабул қилиш филиалини сотилиши туфайли ўтган йилга нисбатан соф фойда миқдори кўпайганлигини кузатиш мумкинлигини ва Бизнес-режа бўйича белгиланган соф фойда бўйича кўрсаткич 258% га бажарилганлигини маълум қилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор В.Д.Смирнов ҳам ўз ҳисоботида жамиятнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнларини ва ишлаб чиқариш технологияларини иш фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиш билан бирга, жамият омборидаги бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни мунтазам равишда инвентаризациядан ўтказиш ишларини ташкиллаштириб, ишлаб чиқариш цехларининг дастгоҳлари учун талаб этиладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар эҳтиёжи кондирилишини таъминлаб барча цех бошликлари томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан жамият эҳтиёжи учун талаб этиладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан конунчиликда белгиланган тартибда сотиб олиш ишларини ташкиллаштирганлигини маълум қилди. Жумладан 2021 йил давомида эҳтиёт қисмлар учун 615 625 минг сўм, қурилиш материаллари учун 560 476 минг сўм, коп маҳсулотлари учун 1 575 434 минг сўм, бошқа инвентар ва хўжалик моллари учун 1 342 769 минг сўм, бошқа материалларга 1 342 769 минг сўм, ун маҳсулотига кўшиш учун витаминларга 2 913 800 минг сўм маблағ сарфланган. Ушбу маълумотларни жамиятда жорий этилган 1С программаси базасига онлайн тарзда кунлик киритиб борилишини катъий назоратга олганлигини айтиб ўтди.

(Жамият Бошқарувининг ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор В.Д.Смирновнинг ҳисоботи, шунингдек бизнес-режа таҳлили илова қилинади. Илова №2 ва №3)

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги *олтинчи масала* буйича йиғилиш раиси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конуннинг 102-моддасига асосан жамиятнинг йиллик ҳисоботини 2021 йил 05 мартдаги жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланганлигини билдириб, 2014 йил 9 октябрдаги «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2383-сонли буйруғининг 2-илоvasи асосида тўлдирилган жамиятнинг 2021 йил якуни буйича йиллик ҳисоботини йиғилиш қатнашчиларига таништирди. (2383-сонли буйруғининг 2-илоvasи асосида тўлдирилган жамиятнинг 2021 йил якуни буйича йиллик ҳисоботи илова қилинади. Илова № 4.)

Умумий йиғилиш иштирокчилари томонидан АЖнинг 2021 йил якуни буйича йиллик ҳисоботи ўзаро муҳокама қилингандан сўнг уни тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги *еттинчи масала* юзасидан жамият тафтиш комиссияси раиси С.О.Юлдашбаев жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик натижалари буйича хулосаси билан таништирди. Жамият тафтиш комиссияси томонидан жамият ҳисобот бўлимида тафтиш ўтказилиб, унда бухгалтерлик ҳужжатларининг юритилиши, ҳисоб юритилиши тартиби, асосий воситалар, дебитор ва кредиторлик қарзлар буйича ва бошқа ҳисобот ҳужжатлари кўриб чиқилганлиги билдирилди. Жамият тафтиш комиссияси акциядорлик жамиятининг 2021 йил 1-январдан 31 декабргача бўлган даврдаги молиявий ҳисоботларни текширувдан ўтказиб, 2022 йилнинг 01 январ ҳолатига жамиятнинг жамаи баланси 185 367 637 минг сўмни ташкил қилганлигини, узоқ муддатли активлар 30 630 041 минг сўмни, жорий активлар 154 737 596 минг сўмни, ўз маблағлари манбаи 75 212 893 минг сўмни, мажбуриятлари 110 154 744 минг сўмни ташкил қилганлигини билдирди. Шунингдек жамият 2021 йил якуни буйича 24 млрд 253 млн 620 минг сўм соф фойда билан чикқанлигини маълум қилди. Жамиятда 12 апрел 2021 йилда МChJ “Ozun Tashkent Construction” билан 63 млрд 576 млн. 200 минг сўмга йирик битим тузилган, ҳамда жамиятда 2021 йилда аффилиланган шахслар билан битимлар тузилмаганлиги ҳақидаги хулосалари тақдим этилди. (Жамият тафтиш комиссияси хулосаси илова қилинади Илова №5.)

С.О.Юлдашбаевга саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси томонидан Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил натижалари буйича хулосасини тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Саккизинчи масала** юзасидан ахборот учун сўзни собик «PROM-AUDIT»МЧЖ, хозирда «МАХИМА» МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори С.Т.Зукальга берди. У хозирги кунда «PROM-AUDIT»МЧЖ, хозирда «МАХИМА» МЧЖга ўзгартирилганлигини маълум қилиб, АЖнинг 2021 йил молиявий хисоботлари тайёрланиши ва ҳаққонийлиги текширилиб, аудиторлик ташкилоти томонидан ҳолисона тасдиқланганини ва ижобий хулоса берилганлигини, шунингдек жамиятнинг молиявий хисоботлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармони асосан МХХС (МСФО) асосида тайёрланганлигини ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлигини билдириб, йиғилиш аъзоларини ушбу хисобот билан таништирди. (МХМС ва МХХС асосида тайёрланган 2021 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича баланс хисоботи ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, импорт харидлари ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлиги юзасидан берилган аудитор хулосаси илова қилинади).

(Аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади. Илова №6, №7).

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси томонидан «МАХИМА» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021 йил натижалари бўйича ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, импорт харидлари ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлиги юзасидан берилган ижобий хулосасини тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга кўйилди:

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Тўққизинчи масала** юзасидан жамият Бошқарув раиси А.Қодиров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони, ҳамда “Акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси”нинг 9-сонли йиғилиш баёни қарори билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”ни 2016 йил 8 августдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида жамиятга жорий этилганлигини маълум қилиб, 2021 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан 2022 йил 21 февралдаги Кузатов кенгашининг йиғилиш қарорида тасдиқланган мустақил ташкилот сифатида Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонаси томонидан берилган хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди.

Унга кўра Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра қониқарли деб эътироф этилганлигини маълум қилди. (Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонасининг хулосаси илова қилинади. Илова №8)

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси томонидан Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонасининг 2021 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан берилган хулосасини маълумот учун қабул қилиш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бош ҳисобчи в.б. А.М.Эшмаматов кун тартибидаги *ўнинчи масала* бўйича ахборот бериб, 2021 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича корхона 24 253 620 000 сўм соф фойда олганини билдириб, олинган соф фойданинг, яъни 24 253 620 000 сўм соф фойданинг 75 %, яъни 18 190 215 000 сўм маблағни жамиятда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилиши, қолган 25% 6 063 405 000 сўмини дивидендлар тўловига ажратиш мумкинлигини билдириб, бунда бир дона оддий акция учун 2368 сўм 52 тийин ва имтиёзли акцияларнинг ҳар бири учун 2989 сўм 60 тийиндан дивиденд тўланишини маълум қилди. (Дивидендлар ҳисоби илова қилинади. Илова №9).

Йиғилиш раиси ушбу масала юзасидан бюллетень орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Соф фойда таксимоти ва дивидендлар ҳисобини тасдиқлаш таклифи берилиб овозга қўйилди:

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги *ўн биринчи масала* юзасидан Кенгаш аъзоларидан К.Примов Кузатов Кенгашининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, 2021 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди. Ўтган ҳисобот йили давомида акциядорларнинг 3 та умумий ва 12 та кузатов кенгаши йиғилишлари, шундан ҳар чоракда Бошқарувнинг жамият молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи, бухгалтерлик баланси ва молиявий кўрсаткичлари, ички аудит хизмати бўлими ҳисоботи ва бошқа масалалар бўйича ҳисоботларни кўриб чиқиб, маъқуллаган ва тасдиқлаганлигини, шунингдек жамият Бошқарув органининг ҳар чораклик фаолиятини Вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сон қарорига асосан баҳолаб борганлигини билдирди, шу билан бирга жамият Кузатов кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш таклифини бериб, овозга қўйди.

(Кузатов Кенгаши ҳисоботи илова қилинади №10).

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги *ўн иккинчи масала* юзасидан умумий йиғилиш раиси 2021 йил давомида Бошқарув органи томонидан жамиятнинг молиявий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига эътиборни қаратган ҳолда биржа савдоларига қўйиш, жамият шаҳобчаларини бугдой мавсумига

тайёрлаш, дон қабул қилиш, уни сифатли сақлаш, уруғлик тайёрлаш ва тарқатиш, ишлаб чиқариш цехларини доимий ишлашини таъминлаш борасидаги ишлар амалга оширилганини айтиб ўтди. Шу билан бирга уларнинг фаолликлари натижасида 2021 йилда ҳам ишлаб чиқариш суратларини пасайтирмаган ҳолда аҳолини мунтазам ун маҳсулотлари билан таъминлаб белгиланган “Бизнес-режа” кўрсаткичларини бажарилишига эришганликларини айтиб ўтди. Йиғилиш раиси Ш.Донаев 2021 йил якуни бўйича акциядорлик жамиятининг СМК, СЎК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш натижалари ҳулосасини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.

- Ижро этувчи орган (КПЭ) корхона раҳбари фаолиятини баҳолаш учун асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш натижалари – 2,2;

- Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директори фаолиятини баҳолаш учун асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш натижалари - 1,6;

- Молиявий ишлар бўйича директор фаолиятини баҳолаш учун асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш натижалари – 2,0 бални ташкил этишини маълум қилди.

Жамият Бошқарув органи таркиби ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига амал қилган ҳолда хато ва камчиликларга йўл қўймасдан иш олиб бориши лозимлиги таъкидланди. (Кузатув кенгашининг Бошқарув органи фаолияти бўйича ҳисоботи ва жамият раҳбарларининг 2021 йил якуни бўйича СМК, СЎК баҳолаш мезонлари илова қилинади. Илова №11, №12).

Юқоридагиларни эътиборга олиб йиғилиш раиси Ш.Донаев аудиторлик ташкилотининг акциядорлик жамиятида 2021 йил якуни бўйича жамиятнинг СМК, СЎК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш натижалари юзасидан ҳулосасини тасдиқлаш ва Бошқарув органи раиси ва қолган бошқарув органи аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини 1 йил муддатга узайтириш таклифини бериб, овозга қўйди.

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги *ўн учинчи масала* юзасидан тафтиш комиссияси номзодига Жамият акцияларининг 14,38 фоизига эгаллик қилувчи Эшметова Аида Асамиддиновнанинг 2021 йил 28 январдаги хатига асосан тафтиш комиссиясига «To'rt Fasl Fayz» МЧЖ бош ҳисобчиси Умарова Фариди Декановна номзодини киритиш, шунингдек акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановнанинг 2022 йил 28 январдаги хатида Жамият акцияларининг 1,2 фоизига эгаллик қилишини маълум қилиб, тафтиш комиссияси аъзолигига Закиров Фарух Зарифович ва Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановна номзодларини киритиш таклифи берилган. Йиғилиш раиси номзодлар объективкаси билан йиғилганларни таништириб чиқди ва ушбу Ф.Д.Умарова, Х.С.Мухамедалиева ва Ф.З.Закировлар номзодини 2022 йил учун жамият тафтиш комиссияси этиб сайлашни бюллетенда кўрсатишлари мумкинлигини айтиб ўтди. (А.А.Эшметованинг 2022 йил 28 январдаги хати ва акциядор Х.С.Мухамедалиеванинг 2022 йил 28 январдаги хати илова қилинади. Иловалар №12 ва №13 )

Бошқа таклифлар борми?

Таклифлар булмади.

т/р	Тафтиш комиссияси аъзолари Ф.И.Ш.	Розилар-дона овоз, %	Қаршилар	Бетарафлар
1.	Умарова Фарида Декановна	1 704 703 дона овоз – 100%	Йўқ	Йўқ
2.	Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановна	1 704 703 дона овоз – 100%	Йўқ	Йўқ
3.	Закиров Фарух Зарифович	1 704 703 дона овоз – 100%	Йўқ	Йўқ

Ф.Д.Умарова, Х.С.Мухамедалиева ва Ф.З.Закировлар бир овоздан 2022 йил учун тафтиш комиссияси аъзолари этиб сайландилар.

Кун тартибидаги *ун тўртинчи масала* бўйича жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига «Ўздонмахсулот» АКнинг 2022 йил 28 январдаги “Компания таркибидаги корхоналарда 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари юзасидан умумий йиғилишларни ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги 2-сонли буйруғининг 2-иловасида жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига «Ўздонмахсулот» АК Дон ва уруғликни тайёрлашни, сақлашни ташкил этиш бошқармаси бош мутахассиси Н.Ж.Жумаев, “Ўздонмахсулот” АК АБКМБ бош мутахассиси К.Примов, «Ўздонмахсулот» АК Молия ва бухгалтерия хисоби Бошқармаси етакчи иктисодчи молиячи А.Г.Вахитова, «Ўздонмахсулот» АК ДМҚИМ ва СКАК Бошқарма бошлиғи Ш.Донаев, “Ўздонмахсулот” АК АБКМБ бошлиғи Ғ.Қаршибаев, “Ўздонмахсулот” АК ходими Ғаниев Шерзодбек Шухрат ўғли номзодларини киритиш, Жамият акцияларининг 14,38 фоизини сотиб олган Эшметова Аида Асамиддиновнанинг 2021 йил 28 январдаги хатига асосан Кузатув кенгаши аъзолигига Гуламов Қахрамон Ахмадович номзодини, акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановна 2022 йил 28 январдаги хатида Жамият акцияларининг 1,4 фоизига эгаллик қилишини маълум қилиб, 2022 йил учун жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига Юлдашбаев Собиржон Ортикович номзоди тавсия қилинганлигини маълум қилди ва берилган номзодларнинг маълумотномалари билан қисқача таништириб ўтди. («Ўздонмахсулот» АКнинг 2022 йил 29 январдаги 2-сонли буйруғи, акциядор А.Эшметова ва Х.Мухамедалиеванинг 2022 йил 28 январдаги хати илова қилинади. Илова № 14).

Йиғилиш раиси Кузатув Кенгаши аъзолигига берилган номзодларни сайлашда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76-моддасида белгиланган тартиб бўйича, яъни кумулятив тарзда овоз беришларини сўради.

Бошқа таклифлар борми?

Таклифлар булмади.



т/р	Кузатув Кенгаши аъзолари Ф.И.Ш.	Иш жойи	Розилар- дона овоз, %	Қаршилар	Бетарафлар
1.	Донаев Шероли Бурханович	«Ўздонмахсулот» АК ДМҚИМ ва СКАК Бошқармаси бошлиғи	1598391- дона овоз, 13,39%	Йўқ	Йўқ
2.	Жумаев Нодир Жаханович	«Ўздонмахсулот» АК Д ва УТСТ ЭБ бош мутахассиси	1563362 – дона овоз, 13,10%	Йўқ	Йўқ
3.	Примов Комилжон Каримович	“Ўздонмахсулот” АК АБКМБ етакчи мутахассиси	1548998- дона овоз, 12,98%	Йўқ	Йўқ
4.	Ганиев Шерзодбек Шухрат ўғли	“Ўздонмахсулот” АК ходими	1564202- дона овоз, 13,11%	Йўқ	Йўқ
5.	Вахитова Анжелла Габдулфаязовна	Ўздонмахсулот» АК М ва БХБ етакчи иқтисодчи молиячи	1528208- дона овоз, 12,81 %	Йўқ	Йўқ
6.	Қаршибоев Ғуломжон Яхшибоевич	“Ўздонмахсулот” АК АБКМБ бошлиғи	1522876- дона овоз - 12,76%	Йўқ	Йўқ
7.	Гуламов Кахрамон Ахмадович	ООО «MY FREIGHTER», юрист	2601214- дона овоз, 22,2%	Йўқ	Йўқ
8.	Юлдашбаев Собиржон Ортиқович	"SINRIS GLOBAL PARTNERS" МЧЖ Директор	5670-дона овоз, 0,05%	Йўқ	Йўқ

Овоз бериш натижаларига кўра Ш.Б.Донаев, Н.Ж.Жумаев, К.Примов, А.Вахитова, Ш.Ш.Ганиев, Ғ.Я.Қаршибоев ва Қ.А.Гуламовлар номзодлари 2022 йил жамият Кузатув кенгаши таркибига энг кўп овоз билан сайландилар.

Кун тартибининг **ўн бешинчи масаласи** юзасидан умумий йиғилиш раиси Жамиятнинг 2022 йил натижалари бўйича ташқи аудит текшируви учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш тўғрисидаги масаласи бўйича Бош ҳисобчи А.М.Эшмаматовга сўз берди. У ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 9 апрелда имзоланган ЎРҚ-472 сонли “Давлат Харидлари тўғрисида”ги қонунига, ҳамда 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонунига асосан “Galla-Alteg” АЖ корпоратив бунёдмачи ҳисобланишини, шунга асосан Жамиятнинг 2022 йил натижалари бўйича ташқи аудит текшируви учун ташқи аудиторлик ташкилотини тендер асосида танлаш белгиланган. Жамият томонидан Молия Вазирлигининг корпоратив ахборот ягона порталида берилган эълонга асосан ҳозирда “GARANT CONSALT GRANT” МЧЖ 40 000 000 сўм ва “AUDIT MAXIMA” МЧЖ 30 000 000 сўм хизмат кўрсатиш ҳаққи билан ўз таклифларини тендерда эълон қилганликларини, ҳамда жамият номига хат орқали муружаат қилганликларини маълум қилди. Йиғилиш раиси акциядорлардан уларга берилган бюллетенда аудиторлик ташкилотларидан бирига овоз беришлари мумкинлигини айтиб ўтди.

Бошқа таклифлар борми?

Таклифлар булмади.

Кун тартибидаги **ўн бешинчи масала** юзасидан «AUDIT MAXIMA» МЧЖ энг кўп 1 704 703 дона, яъни 100% овоз билан маъқулланди.

**Ўн олтинчи масала** юзасидан жамият бош ҳисобчиси А.М.Эшмаматов 2010 йилдан 2018 йилгача бўлган акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендлар миқдори 86 587 885 сўмни ташкил қилишини, шу даврга қадар бир неча марта акциядорларга ўзларига тегишли дивидендларини ўз вақтида олишлари учун банкдан пластик карта очтиришларини ва карта ҳисоб рақамларини жамият ҳисоб бўлимига етказишларини сўраб хат орқали, оммавий ахборот воситаларидан “Биржа” газетасида ва Молия Вазирлигининг корпоратив ахборот ягона порталида эълон чоп этилганлигини маълум қилди. Бош ҳисобчи А.М.Эшмаматов «Акциядорлик Жамиятлари ва Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддаси 6 хат бошида “эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади” деб белгиланганлигини маълум қилди. Бош ҳисобчи юқорида келтирилган акциядорлар томонидан 2010 йилдан 2018 йилгача бўлган 86 587 885 сўм талаб қилиб олинмаган дивидендлар миқдорини «Акциядорлик Жамиятлари ва Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддасига асосан корхона фойдасига олиш таклифини бериб овозга қўйди.

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги **ўн еттинчи масала** юзасидан 2021 йил якуни бўйича АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ва жамият тафтишчисининг фаолликларини эътиборга олган ҳолда “Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси

аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Жамият низомига асосан Кузатув кенгаши аъзолари Ш.Б.Донаев, Ф.Д.Ниязов, К.Примов, Н.Жумаев, У.Меликов, А.Вахитова ва Қ.А.Гуламовларга асосий ойлик рағбатлантириш суммасини Кузатув кенгаши аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига кўпайтирилган ҳолда, ҳамда жамият тафтиш комиссияси аъзолари Н.Мирзахмедова, С.О.Юлдашбаев, Т.Қиличевга асосий ойлик рағбатлантириш суммасини Тафтиш комиссияси аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига (ойларга) кўпайтирган ҳолда амалга ошириш таклифини берди.

Кузатув кенгаши аъзоларидан Қ.Гуламов кузатув кенгаши томонидан 2019 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низом”ига тегишли ўзгартириш киритиб, Низомнинг 2 боб 13-бандидаги “Кузатув кенгаши аъзосига ҳар ойда Республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,1 баробари миқдорига деган жумласини 4,2 баробари миқдорида деб ўзгартириш киритиш тўғрисида таклифга қўшимча киритди.

Йиғилиш раиси G’ALLA-ALTEG» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши томонидан 2019 йил 23 сентябрдаги йиғилиш қарори билан тасдиқланган “Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низом”ининг 2 боб 13 ва 14-бандларига тегишли ўзгартиришларини киритиб тасдиқлаш таклифини бериб овозга қўйилди.

Бошка таклифлар борми?

Таклифлар бўлмади.

Розилар – 1 704 703 дона овоз – 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан берилган бюллетенлар орқали овозларни санаш учун сўзни санок комиссияси раиси О.А.Гафуровага берди.

Овозларни санаш учун 20 дақиқага танаффус эълон қилинди.

Танаффусдан сўнг санок комиссияси раиси овоз натижаларини ўқиб эшиттирди.

(Санок комиссиясининг 2022 йил 31 мартдаги баённомаси илова қилинади. Илова №17).

Умумий йиғилиш раиси санок комиссиясининг баённомасини ахборот учун қабул қилиш таклифини берди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар лойихаси ўқиб эшиттирилди.

Берилган таклиф ва қўшимчалар билан қарор лойихаси тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Юқорида баён этилганларни ва овоз бериш натижаларини ҳисобга олган ҳолда акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши

### **Қ А Р О Р Қ А Б У Л Қ И Л А Д И :**

1. Умумий йиғилиш ишчи органи қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Президиум аъзолари:

1) Жамият Кузатув кенгаши раиси ва «Ўздонмахсулот» АК вакили– Донаев Шероли Бурханович;

2) Ижроия органи раҳбари – Кадиров Абдуварис Абдуваситович;

3) Бошқарув маслахатчи (Корпоратив масалалар бўйича) –Каримов Камол Сафоевич.

Умумий йиғилиш котибаси - Акромова Лобар Худайбергеновна

2. Санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

Санок комиссияси раиси – Гафурова Озода Акбаровна

Санок комиссияси аъзолари: Юлдашева Даврия Равшановна;

Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна,

3. Умумий йиғилиш кун тартиби тасдиқлансин.

4. Умумий йиғилиш иш регламенти тасдиқлансин.

5. Жамият Бошқарувининг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботи 2-иловага мувофиқ, ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва қониқарли деб топилсин.

6. 2014 йил 9 октябрдаги 2383-сонли буйруғининг 2-иловаси асосида тўлдирилган жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан, шунингдек Жамиятда 12 апрел 2021 йилда МChJ “Ozun Tashkent Construction” билан 63 млрд 576 млн. 200 минг сўмга йирик битим тузилганлиги ҳақидаги жамият тафтиш комиссияси ҳулосаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан аудиторлик ташкилоти ҳулосаси 6-иловага мувофиқ, ҳамда жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги, асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. 2021 йилдаги коорпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонаси томонидан берилган ҳулосаси маълумот учун қабул қилинсин. (Иловага № 8.)

10. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 51-моддасига, ҳамда Жамият Уставининг 6-моддаси 21 бандига асосан Жамиятнинг 2021 йил натижалари бўйича 24 253 620 000 сўм соф фойданинг 75 %, яъни 18 190 215 000 сўм маблағни жамиятда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш, қолган 25% 6 063 405 000 сўмини дивиденд тўловига ажратилсин, бунда бир дона оддий акция учун 2368 сўм 52 тийин ва имтиёзли акцияларнинг ҳар бири учун 2989 сўм 60 тийиндан дивиденд тақсимлансин, ҳамда уни 2022 йил 11 апрелдан 2022 йил 30 майга қадар тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

11. Жамият Кузатов Кенгашининг 2021 йил фаолияти бўйича ҳисоботи маъқуллансин ва унинг фаолияти қониқарли деб топилсин.

12. 2021 йил якуни бўйича акциядорлик жамиятининг СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш натижалари юзасидан ҳулосаси тасдиқлансин ва СМК бўйича ўртача ҳисобланган миқдор ташкилотнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди

кўрсаткичи СЙК 0,85 бални ташкил этганлиги, яъни ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги аъло даражада деб эътироф этилсин.

12.1. 2021 йил учун Жамият Бошқарув раиси ва қолган аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси 1 йилга узайтирилсин, ҳамда Жамият номидан Бошқарув раиси ва Бошқарув органи аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномасини имзолаш ваколати жамият кузатув кенгаши раисига берилсин.

13. 2021 йил учун жамият тафтиш комиссияси аъзолигига Ф.Д.Умарова, Х.Мухамедалиева ва Ф.З.Закировлар номзодлари тасдиқлансин.

14. «G`alla-Alteg» АЖ Кузатув Кенгаши аъзолари этиб, Ш.Б.Донаев 1 598 391 дона овоз, Ш.Ш.Ғаниев 1 564 202 овоз, А.Г.Вахитова 1 528 208 дона овоз, Н.Ж.Жумаев 1 563 362 дона овоз, К.К.Примов 1 548 998 дона овоз, Ғ.Я.Қаршибоев 1522 876 дона овоз, Қ.А.Гуламов 2 601 214 дона овоз билан тасдиқлансин.

15. 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонунига асосан Жамиятнинг 2022 йил натижалари бўйича ташқи аудит текшируви учун тендер асосида танланган «AUDIT MAXIMA» МЧЖ 30 000 000 сўм хизмат кўрсатиш ҳақи билан энг кўп 1 704 703 дона, яъни 100% овоз билан маъқуллансин.

15.1. Улар билан тузиладиган шартнома харид қилиш тартиб-таомилларига доир ҳужжатларни ва ҳисоботларни тузиш ҳамда бут сақлашни таъминлаш орқали амалга оширилсин.


16. «Акциядорлик Жамиятлари ва Акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддасига асосан 2010 йилдан 2018 йилгача бўлган 86 587 885 сўм талаб қилиб олинмаган дивидендлар миқдори корхона фойдасига олинсин.

17. 2021 йил якуни бўйича АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ва жамият тафтиш комиссиясининг фаолликларини эътиборга олган ҳолда Кузатув кенгаши аъзолари Ш.Б.Донаев, Ф.Д.Ниязов, К.Примов, Н.Жумаев, У.Меликов, А.Вахитова ва Қ.Гуламовларга асосий ойлик рағбатлантириш суммасини Кузатув кенгаши аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига кўпайтирилган ҳолда, ҳамда жамият тафтиш комиссияси аъзолари Н.Мирзаходжаева, С.О.Юлдашбаев, Т.Қиличевга асосий ойлик рағбатлантириш суммасини Тафтиш комиссияси аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига (ойларга) кўпайтирган ҳолда рағбатлантирилсин.

17.1. G`ALLA-ALTEG» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши томонидан 2019 йил 23 сентябрдаги йиғилиш қарори билан тасдиқланган «Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низом»ининг 2 боб 13 ва 14-бандларига киритилган тегишли ўзгартиришлари билан тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котибаси



Ш.Б.Донаев

Л.Х.Ақромова

Баённома имзоланган сана « 8 » апрел 2022 й.